

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 4 октябрь, № 191 (5358) Сешанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 октябрь куни Оқсаройда Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Нгуен Тан Зунгни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, жуғрофий жиҳатдан мамлакатларимизни катта масофа ажратиб турса-да, Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиёдаги жадал ривожланаётган давлатлардан бири бўлган Вьетнам билан ҳар томонлама ва узоқ муддатли ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор билан ёндашишини таъкидлади.

Икки томонлама алоқаларга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йили Вьетнамга ташрифи чоғида мустаҳкам пойдевор қўйилган. Ташриф асносида Давлатлараро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Ҳозирги кунда муносабатлар прагматик ва икки томон учун ҳам манфаатли, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Вьетнам халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш борасида катта тажриба тўплаган, мамлакатларимизнинг минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик принципиал масалалар бўйича нуқтаи назари ва ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.

Ўзбекистонда Вьетнам ҳукумати раҳбарининг мамлакатимизга илк ташрифига икки давлат муносабатларидаги, аввало, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва узоқ муддатли асосда ривожлантириш учун пухта замин яратиш йўлидаги муҳим воқеа сифатида қаралмоқда.

Бош вазир Нгуен Тан Зунг самимий ва дўстона қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан қутлади, ўз ташрифи асносида Ўзбекистонда истиқлол йилларида эришилган улкан ютуқларга гувоҳ бўлганини таъкидлади.

Учрашувда томонлар умумий мақсад — ўзаро савдони муттасил ошириш ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтириш учун барча имкониятлар ва шарт-шароитлар мавжуд эканини таъкидлади.

Айни пайтда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан "Петровьетнам" компанияси ўртасида сармоявий ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. 2010 йилнинг январь ойида имзоланган битим доирасида Устюрт минтақасидаги Коссор сармоявий блокида геология-қидирув ишлари олиб борилмоқда.

Навоий ва Ханой аэропортлари ўртасида бошланган юкларнинг мунтазам авиаташувига ҳамкорликнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Томонлар икки мамлакат юкларини Ўрта ва Жануби-Шарқий Осиё бозорларига ташишнинг энг мақбул йўналишларини йўлга қўйиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Шу маънода, ушбу ташриф асносида савдо ҳамда нефть-газ тармоғига, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларга сармоя киритиш борасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини берадиган ҳужжатлар имзолангани, шунингдек, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган бешинчи мажлиси якунлари, унда иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни тубдан кенгайтириш борасида эришилган келишувлар юқори баҳоланди.

Томонлар атрофлича ва очиқ фикр алмашув чоғида ўзларини қизиқтирган кенг кўламли масалаларни муҳокама қилдилар.

**(ЎзА).**
**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

*Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 30 сентябрь — 1 октябрь кунлари Наманган ва Андижон вилоятларида бўлди.*

# БОШ МАҚСАДИМИЗ – ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ

Барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг юксак самаралари Андижон вилоятида ҳам ўз ифодасини топаётир. Пахта ва ғалла, боғдорчилик, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасида вилоят деҳқонлари улкан ютуқларга эришмоқда.

Президентимиз Андижон вилоятига сафарининг иккинчи куни Шаҳрихон туманидаги "Обод диёр илҳоми" фермер хўжалиги далаларида деҳқонлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан суҳбатлашди.

— Бугунги фермер замон билан ҳамнафас бўлиши, давр олдимизга қўяётган талабни теран англаши лозим, — деди давлатимиз раҳбари. — Шу маънода, фермерлар нафақат халқимиз фаровонлигини юксалтириш, балки мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда, ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожида ҳам ҳал қилувчи кучга айланиши лозим.

Аҳмаджон Раззоқов бошқараётган "Обод диёр илҳоми" фермер хўжалиги — тумандаги илғор хўжаликлардан бири. Умумий ер майдони 69,9 гектар бўлган фермер хўжалиги деҳқонлари ҳар йили пахтадан гектарига 35, ғалладан 60 центнердан ошириб ҳосил олмоқда.

Жорий йилда хўжалик меҳнаткашлари 35,4 гектар майдонга пахтанинг юқори сифатли "С-6524" навини экиб, айни пайтда йиғим-терим ишларини юқори суръатда олиб бораётир.

— Фермер шу ер меники деган масъулиятни теран ҳис этса, унинг эртаси ёруғ бўлади. Осон бойликка эришиш мақсадида фермерликни танлаган одам хато қилади. Фақат қалб қўри билан меҳнат қилган, ерга меҳрини бера олган фермергина муваффақиятга эришади. "Сендан ҳаракат, мендан баракат", деган ҳикматда теран маъно бор, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз фермерлар олдида турган масалаларни ҳал этиш, улар дуч келаётган муаммоларга вақтида ва бамаслаҳат ечим топиш мақсадида тумандаги илғор фермер ҳамда мутахассислардан иборат кенгаш тузиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади. Бу кенгаш фермерлик ҳаракатини янада тараққий эттириш, юқори самарадорликка эришаётган фермер хўжаликлари иш тажрибасини оммалаштириш, соҳани замон талаблари асосида ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши лозим.

— Фермерлик ҳаракатининг келажаги фақат деҳқончилик билан боғлиқ эмас, — деди Ислом Каримов. — Фермерларимиз ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлаши, саноат ривожида муҳим ўрин эгаллаши даркор. Бу халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади. Мисол учун, биргина пахтанинг ўзидан 92 хил маҳсулот олинади. Шунинг ўзиёқ қайта ишлаш саноати нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Буни Андижон вилояти саноат ишлаб чиқариши ҳажми тобора ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, бир вақтлар ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши борйўғи 8-9 фоиздан ошмаган вилоятда бугун бу кўрсаткич 23,6 фоизни ташкил этмоқда.

— Ўзбекистон пахтаси сифат жиҳатидан жаҳон бозорида ўзининг муносиб ўрнига эга. Демак, унинг нархи ҳам, деҳқонларимизнинг манфаатдорлиги ҳам шунга яраша юқори бўлиши керак, — деди Юртбошимиз.

Президент Ислом Каримов Андижон вилояти фаоллари билан учрашди.

Мулоқот чоғида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, 2011 — 2015 йилларда Андижон вилоятидаги тураржой даҳаларининг коммунал инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларига оид Президент қарорининг ижроси, хусусан, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, одамлар учун ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитини яратиш, вилоятда саноатни, жумладан, автомобилсозлик саноатини янада ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш, аҳолининг бандлик даражасини юксалтириш борасидаги вазифаларнинг бажарилиши атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг Наманган ва Андижон вилоятларига сафари меҳнаткашлар билан учрашув ва суҳбатларга бой бўлди. Мулоқотлар асносида бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муаммо ва вазифалар, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида фикрлар билдирилди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси, одамларимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, онг ва тафаккури тубдан ўзгаргани мамнуният билан таъкидланди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ, Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА махсус мухбирлари.**

# ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Нгуен Тан Зунг 3 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, сармоявий соҳада узоқ муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.***

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари анъанавий дўстлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик тамойиллари асосида изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳаларда изчил ривожланмоқда. Президент Ислом Каримовнинг 1996 йилда Вьетнамга ташрифи чоғида ўзаро алоқаларнинг тамал тоши қўйилган. Ташриф чоғида Давлатлараро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, гуманитар, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланган. Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликнинг изчил ривожланишига хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон — Вьетнам" ҳамда "Вьетнам — Ўзбекистон" дўстлик жамиятлари турли маданий тадбирлар ташкил этиш орқали мамлакатларимиз ўртасидаги гуманитар ҳамкорликнинг изчил ривожланишига ва дўстлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшаётир.

Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Вьетнамда ўтаётган турли халқаро маданият ва санъат фестивалларида фаол иштирок этаётир. Хусусан, Самарқандда ҳар икки йилда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида вьетнамлик санъаткорлар мунтазам қатнашиб келади.

Вьетнам томони Ўзбекистоннинг илм-фан ва таълим соҳасидаги улкан салоҳиятини назарда тутиб, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари ва академик доиралар ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш ташаббусини илгари сурмоқда. Иқтисодий соҳада кимё саноати, пахтачилик, нанотехнологиялар, энергетика каби йўналишлардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қизиқиши баланд.

Сайёҳлик соҳасидаги имкониятларни тўла ишга солиш икки томон учун ҳам фойдалидир. Ўзбекистоннинг бой маданияти, ранг-баранг урф-одатлари ва анъаналари, гўзал ва қадимий шаҳарлари, бетакрор тарихий обидалари ва меъморий ёдгорликлари вьетнамлик сайёҳлар эътиборини тортиши шубҳасиз.

— Ўзбекистондек гўзал мамлакатга ташриф буюрганимдан беҳад мамнунман, — деди Нгуен Тан Зунг. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари савдо-иқтисодий, фан-таълим ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани бизни ғоят қувонтиради. Ушбу ташриф ўзаро алоқаларимизни янги мазмун билан бойитишига ишончимиз комил. Ўзбекистон билан нефть-газ, тўқимачилик, автомобилсозлик, таълим ва сайёҳлик каби қатор соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Музокарада Ўзбекистон ва Вьетнамнинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари, нефть-кимё, пахтачилик, енгил саноат, ахборот технологиялари ва сайёҳлик соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ишбилармонларнинг алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, товар айирбошлаш ҳажмини янада ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

Ифтихор

# ҲАМ ИШОНЧ, ҲАМ РАҒБАТ

***Халқимизда шундай пурмаъно нақл бор: "Инсон сийланган жойида азиз". Ушбу ибора инсон, унинг қадри ва манфаатлари ҳар недан устун саналган юртимиздаги бугунги ҳаётга тўла мос келади.***

Зеро, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг туб мазмун-моҳиятига кўра, эл-юрт ободлиги, ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бунга ҳар бир соҳада ўсиш-ўзгариш ва янгиланишлар рўй бераётгани баробарида, ўша соҳа ходимлари меҳнати эъзозланиб, уларга юксак эътибор ҳамда эҳтиром кўрсатилаётгани мисолида яна бир бор амин бўлиш мумкин.

Бугун ўзим ҳам ана шундай юксак эътибор ва эҳтиромга муносиб кўрилган касб соҳибларидан бириман. Куни кеча Президентимизнинг "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида исм-шарифим қайд этилганини кўриб, қувончдан кўзларимга ёш келди. Камтарона меҳнатларим эътироф этилиб, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвонига сазовор бўлганлигим боис бениҳоя ғурурландим.

Ўттиз икки йилдирки, таълим соҳасида фаолият кўрсатмоқдаман. Кўп йиллардан буён халқ таълими ходимларининг анъанавий кенгашларида тизимдаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятига оид маърузаларим билан қатнашаман. Муаллифлигимда ўн бешдан ортиқ услубий қўлланма ва тавсиялар нашр қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Бу тажрибалар туман миқёсида оммалаштирилди. Беш мингга яқин тест саволлари жамланган қўлланмалардан бугунги кунда ёш ўқитувчилар ҳам самарали фойдаланиб келишмоқда. Менга фахр бағишлайдиган яна бир жиҳати, шогирдларимнинг 15 нафари математика йўналиши бўйича олий ўқув юртларида таҳсил олаётир, 12 нафари эса туманимиз мактабларида фаолият кўрсатаяпти.

Ўқитувчи ва мураббийлар куни мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланди. Давлатимиз раҳбарининг биз, соҳа ходимларига йўллаган байрам табриги дилимизнинг туб-тубидан жой олди, қалбимизга чексиз ғурур ҳиссини бахш этди. Муҳтарам Президентимизнинг "Бугунги кунда эришаётган барча-барча ютуқ ва марраларимизда сизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз шуҳратини дунёга тараннум этишда фидокорона меҳнатингиз пойдевор бўлиб хизмат қилаётганини чуқур ҳис этадиган инсон сифатида сизларни ўзимнинг энг яқин кўмакчим, маслакдошим деб биламан ва юксак қадрлайман", деган эътирофлари зиммамизга янада катта масъулият юклади. Зеро, бундай эътибор замирида мамлакатимиздаги барча ўқитувчи ва мураббийларга билдирилган юксак ишонч мужассам. Аслида, ишонч ҳам рағбатдир. Уни оқлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз!

**Раҳматилла КАДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Элликқалъа туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси.**

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

***Президентимиз шу йил 30 сентябрь куни жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида Наманган вилоятига ташрифи чоғида бизнинг корхонамизда ҳам бўлиб, иш фаолиятимизга юксак баҳо бердилар.***

Дил сўзи

Айниқса, бу ерда замонавий дастгоҳларни маҳорат билан бошқариб, бежирим ва сифатли кийимлар тикаётган қўли гул ёшлар салоҳиятию интилишларининг эътироф этилиши жамоамиз аъзоларини тўлқинлантириб юборди.

Аслида, барча муваффақиятларимиз истиқлолнинг тотли меваси, мустақиллик шарофатидир. Мисол учун, ҳунармандчилик, тадбиркорлик, оилавий бизнесни олиб кўрайлик. Давлатимиз томонидан қаратилаётган доимий эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли бундай хўжалик юритувчи субъектлар тобора ривожланиб бормоқда. Пировардида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси қўйилган кўплаб турдаги рақобатбардош маҳсулотларимиз жаҳон бозорида ўз ўрнини топаяпти.

Имтиёзу рағбат, моддий ва маънавий кўмак қанчалик зарур эканлигини биз корхонамизни ташкил этиш, унинг фаолиятини юритиш жараёнида яққол ҳис қилдик. Жумладан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш орқали маҳсулот сифатини халқаро андозалар даражасига кўтаришга қаратилган лойиҳани амалга оширишда "Алоқабанк"нинг 330 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредити жуда қўл келди. Ушбу молиявий кўмак ҳисобидан хориждан энг замонавий тикув ва дазмоллаш дастгоҳларини келтириб ўрнатганимиздан сўнг, аввало, чеварларимиз қўлидан чиқаётган бежирим костюм-шимлар, куртка ва пальтолар хорижнинг шу турдаги маҳсулотлари билан бемалол рақобатлашадиган бўлди. Қолаверса, янги иш ўринлари очилиши эвазига ишчиларимиз сони 105 кишига етди. Ўтган йилнинг ўзида 1 миллиард 235 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 108 минг АҚШ долларлик қисми "Идеал" савдо белгиси остида экспортга жўнатилди.

(Давоми 2-бетда).

# ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, сармоявий ҳамкорликка, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бевосита алоқаларини рағбатлантиришга, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасига сармоя киритиш учун яратилган имкониятларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунида ўсимликлар карантини соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда икки мамлакатнинг олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Вьетнам Социалистик Республикаси Бош вазири Нгуен Тан Зунг раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан ҳам учрашди.

Мулоқот чоғида икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Вьетнамлик юксак мартабали меҳмон Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шу куни Ўзбекистон ва Вьетнам ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Вьетнамнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, таълим, сайёҳлик, енгил саноат, фармацевтика, нефть-газ, банк-молия, машинасозлик, авиаташув, кимё саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, ахборот технологиялари соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Вьетнамлик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Меҳмонлар юртимиздаги кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Анжуманда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, жумладан, ёқилғи-энергетика, банк-молия, автомобилсозлик, ахборот технологиялари, қишлоқ хўжалиги каби соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга, Вьетнам компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида нефть-газ, автомобилсозлик, банк-молия ва суғурта соҳаларида ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланди.

Ташриф доирасида Вьетнам делегацияси аъзолари Тошкентдаги "Uztex Toshkent" Ўзбекистон — Буюк Британия — Швейцария қўшма корхонаси ва "Kossor Operating Company" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишишди. Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирдилар.

**Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбирлари.**

***Рим шаҳридаги "Regis" меҳмонхонасининг муҳташам маросимлар залида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллик байрамига бағишланган тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.***

# «ЎЗБЕКИСТОН – ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДА ЎЗИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИГА ЭГА»

Эътироф

Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу байрам тадбирида Италиянинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, эксперт-таҳлил ва илмий-академик доиралари, халқаро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Римда аккредитациядан ўтган қатор хорижий мамлакатлар дипломатия миссияларининг раҳбар ва ходимлари иштирок этди. Италия президентининг маслаҳатчиси С. Стефанини байрам кечасининг фахрий меҳмони бўлди.

Ўзбекистон дипломатия ваколатхонаси раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, республикамизда истиқлол йилларида эришилган ютуқ-муваффақиятлар, демократия, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий жиҳатлари тўғрисида атрофлича тўхталди.

Сўнгра Осиё ва Ўрта Ер денгизи давлатларини ўрганиш бўйича Италия институти бош котиби Антонио Локега "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони тантанали равишда тақдим этилди.

А. Локе ўзига кўрсатилган юксак эътибор учун республикамиз раҳбариятига миннатдорлик изҳор этар экан, бундай мукофотга сазовор бўлиш ўзи учун катта шараф эканлигини таъкидлади.

— Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президент Ислом Каримов раҳнамолигида хорижий мамлакатлар билан яқин қўшничилик ва ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни қуриш борасидаги ташқи сиёсий стратегия ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилмоқда, — деди А. Локе. — Бугунги кунда республика мазкур мақсадга эришгани ҳолда, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб турибди.

У, шунингдек, Ўзбекистоннинг келажакдаги истиқболли тараққиётига ҳам комил ишонч билдирди. "Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзининг сиёсий ва иқтисодий фаоллик билан изоҳланадиган мақомини мустаҳкамлашда давом этмоқда. Мамлакат бой маданий-тарихий меросга эга бўлиши билан бирга, республикада кенг қамровли малакали инсон ресурслари, салмоқли табиий захиралар ҳамда ривожланган транспорт инфратузилмаси ҳам мавжудки, буларнинг барчаси унинг салоҳияти нечоғли юксаклигидан яққол далолат беради", деди у, жумладан.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон раҳбариятининг демократик жамиятни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, турли соҳаларни либераллаштириш, шунингдек, ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, таълим тизимини янада тараққий топтириш, ўзбек халқининг тарихий қадриятларини қайта тиклаш ва авайлаб асраш, ўзига хос миллий маданиятни келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш юзасидан кўраётган чора-тадбирларига юқори баҳо бердилар.

Жумладан, **"Италия жануби ЮНЕСКО" уюшмаси раиси, Сиракуза провинцияси маъмуриятининг раҳбари Никола Боно** Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини қутлуғ сана билан самимий табриклар экан, мамлакатимиз 20 йиллик мустақил ривожланиш даврида жамият ҳаётининг барча соҳаларида салмоқли натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлганини алоҳида таъкидлади.

"Ўзбекистоннинг ўз йўлини ўзи белгилаётгани, олдига қўйган мақсадларига эришиш усулларини ўзи танлаётгани дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилди", дея баёнот берди у.

**Италия парламенти қуйи палатаси депутати, "Озодлик халқи" партияси мувофиқлаштирувчисининг ўринбосари Агостино Гилья**нинг фикрича, ўтган йигирма йил мобайнида "Ўзбекистон жаҳондаги глобал ўзгаришлардан ҳамда ўз стратегик манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат юритаётган, ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиёт йўлини қатъий белгилаб олган суверен мамлакатдир".

**Италиядаги "Юнивёрсал Энерджи" компаниясининг раҳбари Паоло Ивальди**нинг қайд этишича, Ўзбекистон раҳбариятининг юқори технологияларни ривожлантириш, илмий-интеллектуал, шунингдек, транспорт коммуникацияси соҳаларидаги салоҳиятини амалиётга татбиқ этишга бўлган интилиши мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояларнинг кенг миқёсда жалб қилинишига кўмаклашди.

**Италиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Иоланд Брунетти**нинг таъкидлашича эса, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ҳуқуқий заминларини яратиш юзасидан улкан ишлар амалга оширилгани, унинг халқаро майдонда фаолият юритиш бўйича аниқ концепциясининг шакллантирилгани ҳамда институциявий тизимнинг барпо қилингани бугун амалий самараларини намоён этмоқда.

"Мустақиллик йилларида ташқи сиёсий фаолиятни шакллантириш бўйича олиб борилган кенг миқёсли ишлар республикага тарихан қисқа давр ичида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаш имконини яратди", деди дипломат.

Италияда нашр этиладиган **"Форум Интернейшнл" журнали муҳаррири Габриеле Ратини** мазкур тадбир ўзига хослиги билан ажралиб туришини, бу эса унинг миллий ранг-баранглиги, ўзбекона жозибали рақслар ижроси, миллий ҳунармандчилик санъати кўргазмаси намойиши, мамлакатнинг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ахборот материаллари етарли даражада тақдим этилгани билан изоҳланишини билдирди.

**«Жаҳон» АА.**
Рим

***Ёш авлод иқтидори, истеъдодини камол топтириш, уларни миллий ҳамда жаҳон мусиқий ва тасвирий санъатининг нодир намуналаридан баҳраманд этишда мусиқа ва санъат мактабларининг ўрни беқиёс. Шу жиҳатдан Юртбошимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга.***



# КАМОЛОТ КОШОНАСИ



Яратувчанлик

Яқинда Фарғона шаҳрида фойдаланишга топширилган 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам ана шундай ислоҳотлар шарофати билан қад ростлади. Бунинг учун "Барака файз инвест" хусусий корхонаси қурувчилари масканда кенг кўламли бунёдкорлик ишларини бажаришди. Айни пайтда 250 ўринли янги санъат кошонасида 200 нафардан зиёд ўғил-қиз анъанавий ва эстрада хонандалиги, фортепиано, миллий, зарбли, дамли чолғу асбоблари ижрочилиги, рақс, амалий ва тасвирий санъат, кандакорлик, зардўзлик каби йўналишларда таҳсил олмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби кўриниши; мактаб ўқитувчиси Саломат Исоқова шогирди Азизбек Фозилов билан машғулот жараёнида.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

***Хатирчи туманидаги "Янгиработ" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Севинч" хусусий корхонаси дастлабки маҳсулотларини чиқара бошлади.***

# Тадбиркор ташаббуси

Интилиш

Ёш тадбиркор Дилшод Ҳасанов саъй-ҳаракати билан ташкил этилган ушбу корхонада ҳозир кунига 10 турдаги икки минг литр салқин ичимликлар қадоқланмоқда.

Қиймати 100 миллион сўмлик мазкур лойиҳа туфайли 12 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари жамоамиз аъзолари билан мулоқот асносида тикувчилик соҳасини санъат ва индустрия уйғунлигига қиёсладилар. Чиндан ҳам, истеъмолчиларнинг кун сайин ўсиб бораётган эҳтиёжи, диди ва талаби маҳсулот дизайни, модели устида доимий изланишни тақозо этади, уни санъаткорона уддалаган кишигина бозордаги мавқеини сақлаб қола олади. Пре-

# ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН МИННАТДОРМИЗ

зидентимиз соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2011" кўрик-танловининг республика босқичида "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича ғолибликка эришганимиз бизни янада руҳлантирди.

Бугун корхонамизда меҳнат қилаётганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Улар орасида, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари маҳорат билан иш юритаётганлиги қувонарлидир. Бу — ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаётган коллежлар билан ҳамкорлигимиз самараси, десак, сира адашмаган бўламиз.

Қисқача айтганда, Юртбошимизнинг фаолиятимизга берган юксак баҳоси ўзимизга бўлган ишончни янада мустаҳкамлаш баробарида, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Биз бундай эътибор ва ғамхўрликдан руҳланган ҳолда, бундан кейин ҳам корхонамиз қувватини ошириб, харидоргир ва кўркам маҳсулотларимиз турини кўпайтириб бораверамиз.

**Бахтиёр УМАРОВ, Наманган туманидаги «Истиқлол» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2011 йил 4 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1686,74 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2720,97 |
| 1 Дания кронаси | 313,76 |
| 1 БАА дирҳами | 476,54 |
| 1 АҚШ доллари | 1750,27 |
| 1 Миср фунти | 293,47 |
| 1 Исландия кронаси | 14,74 |
| 1 Канада доллари | 1668,04 |
| 1 Хитой юани | 274,57 |
| 1 Россия рубли | 54,51 |
| 1 Украина гривнаси | 219,53 |
| 1 Малайзия ринггити | 545,60 |
| 1 Польша злотийси | 527,52 |
| 1 СДР | 2733,26 |
| 1 Туркия лираси | 942,63 |
| 1 Швейцария франки | 1921,26 |
| 1 евро | 2369,07 |
| 10 Жанубий Корея вони | 14,82 |
| 10 Япония иенаси | 227,37 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

***Иморатнинг мустаҳкамлиги, аввало, қурилиш ашёларининг сифатига боғлиқ. Шу боис бинокорлар пишиқ, бежирим маҳсулотларни саралаб олганларидан сўнг ишга киришадилар. Сир эмас, қурилишга ишлатиладиган хом ашё маҳаллий корхоналарда тайёрланган бўлса, нур устига нур. Харажат кам, ишда эса узилиш бўлмайди. Айни пайтда юртимизда бундай қурилиш ашёларини ишлаб чиқараётган корхоналар талайгина.***

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИМКОНИЯТ САМАРАСИ

Чимбой туманидаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Chimbay Lanwood" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Бундан уч йил муқаддам ташкил этилган мазкур корхонада Маҳаллийлаштириш дастури асосида ширинмия (бўян) илдизи, ғўзапоя ва пичан чиқиндиларидан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 1 миллион 805,1 АҚШ долларилик маблағ йўналтирилди.

Кўп ўтмай, корхонанинг биринчи навбати қуриб битказилди. Дастлаб қурилишда кенг қўлланиладиган 6 минг квадрат метр, бошқача айтганда, 42 миллион сўмлик "ДСП" маҳсулоти синов тариқасида ишлаб чиқарилди. Мазкур қурилишбоп маҳсулот мустаҳкамлиги, сифатлилиги билан мутахассису харидорлар эътиборига тушди, буюртмачиларга манзур бўлди.

Албатта, корхона жамоаси бу билан чекланиб қолмасдан, янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва фаолиятни кенгайтиришга ҳам жиддий эътибор қаратди. Жумладан, мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида "Chimbay Lanwood"нинг иккинчи навбати ишга туширилиб, маҳсулот тайёрлаш ҳажми бир кеча-кундузда 1000 квадрат метрга етказилди.

— Хом ашё узлуксизлигини таъминлаш учун Чимбой туманидаги "Lanextrakt" масъулияти чекланган жамияти билан шартнома имзолаганмиз, — дейди жамият ижрочи директори Баҳоуддин Абдуллаев. — Чунки мазкур корхонада ширинмия илдизидан глициризин доривор моддаси олинади. Ишлаб чиқариш жараёнидан ортган чиқиндини харид қилиб, ундан сифатли "ДСП" тайёрлаяпмиз. Бу жараёнда, биринчи навбатда, ўсимлик чиқиндиси қуритилиб, майдаланади. Сўнг кучли босим остида иссиқ ҳолда прессланиб, шаклга солиш ва силлиқлаш босқичлари амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, корхонага ўрнатилган 5 миллиард 361,5 миллион сўмлик технологияларнинг барчаси илғор ва замонавий. Ишлаб чиқариш тармоқлари тўлиқ автоматлаштирилган. "Chimbay Lanwood" шарофати билан доимий иш ўрнига эга бўлган 100 нафар киши хитойлик ҳамкорлар кўмагида ушбу технологияларни бошқаришни мукаммал ўзлаштирган.

— Мен Чимбой иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини тамомлаб, шу ерга ишга келдим, — дейди Арслонбой Ортиқов. — Ҳозир хом ашё тайёрлаш оператори сифатида фаолият юритаяпман. Ишим ўзимга ёқади. Келгусида билимимни янада ошириб, ушбу соҳанинг етук мутахассиси бўлиш ниятидаман.

Корхонанинг иккинчи навбати ишга туширилгач, бу ерда Арслонбой Ортиқов сингари изланувчан ёшларнинг 23 нафари иш билан таъминланди.

"Chimbay Lanwood"да ҳадемай идора ва уй мебеллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилиши режалаштирилган. Бу эса юқори даромад олиш, янги иш ўринлари яратиш ва ташқи бозорга чиқиш имконияти ошади деганидир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Бозорнинг ҳафта давомидаги динамикаси













ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг

СУЮЛТ. ГАЗ 2492,5 ▼ -765,9 | ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 274,0 ▲ +37,5 | УН биринчи нав 510,9 ▲ +6,7 | ОМИХТА ЕМ 322,5 ▲ +9,4

*Барчамиз мустақиллигимизнинг қутлуғ 20 йиллигини катта шодиёна сифатида нишонладик. Айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тантаналари таассуроти ҳали узоқ вақтгача ёдимизда сақланиши аниқ. Муҳтарам Юртбошимиз ана шу унутилмас кундаги табрик сўзларида мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган асрларга тенг ютуқларга ҳаққоний баҳо бериб, «Биз қўлга киритган бу юксак марраларнинг илдизи, замини нимада, деган саволга ҳар биримиз ҳеч иккиланмасдан, буларни барчасининг замирида аввало мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишонч, эзгу орзу-интилишлари мужассам, деб катта ғурур ва ифтихор билан айтишимиз табиийдир», деган сўзлари қалбимизга қувонч ҳамда руҳ бағишлади.*

# МИЖОЗ МАНФААТИ – ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

**Молия муассасаларида**

Дарҳақиқат, «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки ҳам истиқлол меваси ҳисобланади. Бугунги кунда у мамлакатимиздаги энг илғор, барқарор ривожланаётган молия муассасаларидан бирига айланган. Буни банкнинг Фарғона вилояти филиали фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Филиалда халқ хўжалигининг барча тармоқларига намунали банк хизмати кўрсатилаётгани, биринчи навбатда, «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» тамойили асосида иш олиб борилаётгани туфайли олдинга қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мижозлар учун яратиб берилаётган хизмат ва имкониятлар кўлами ҳам кенгайиб бораяпти. Бу ўз-ўзидан корпоратив ва хусусий сектор мижозларига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш, мукаммаллаштириш, кенгайтиришга замин яратаётир.

Банк тизимидаги соғлом рақобат ривожланишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам филиал жамоаси бугунги талабчан банк фаолияти даврида аҳолига замонавий, дунё эътирофидаги хизмат турларини таклиф этиш, уларни юқори сифат билан бажаришни долзарб вазифа деб билади. Бошқача қилиб айтганда, мижоз ишончи ва манфаати банк барқарорлигининг кафолати бўлиб қолаяпти.

Банк фаолиятининг асосий йўналишларидан бири аҳоли, хусусан, ёш оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини тобора кўпроқ қондириш ҳисобланади. Бу борада Президентимизнинг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун Фарғона шаҳрига ташриф буюрган меҳмонлар қисқа вақт ичида шаҳарнинг Қомус ва Бурҳониддин Марғиноний кўчалари кесишган жойда қад ростлаган етти қаватли тураржой биносини кўриб, ҳайратланишлари табиий. Шунингдек, 2 та беш қаватли, 68 хонадондан иборат уй-жой биноси тўрт ой ичида қуриб битказилди. Шарқ ва Ғарб меъморчилигининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассам этган тураржой биноси банкимиз томонидан ажратилган 3 миллиард 400 миллион сўм маблағ ҳисобига бунёд этилди. Мазкур биноларни қисқа вақтда қуриб беришда «Файз бинокор Олтиариқ» хусусий корхонаси ва «Марғилон бинокор таъмир қурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари ғайрат ҳамда шижоат кўрсатишди.

Ҳозирги кунда филиал вилоятдаги 2400 га яқин мижозга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Мижозлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан салкам 200 тага ортди. Бунга, биринчи навбатда, банкнинг хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш ҳисобига эришилди. Президентимизнинг «Қўқон шаҳрининг архитектура қиёфаси ва шаҳар инфратузилмасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Қўқон шаҳрида «Ипотека-банк»нинг филиали қуриб битказилиб, фаолиятини бошлади. Айни пайтда бу ерда 26 нафар ходим иш юритаяпти.

Банк фаолиятининг энг асосий йўналишларидан яна бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишдир. Шу йилнинг 8 ойи давомида иқтисодиётнинг мазкур тармоғига салкам 7,5 миллиард сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди. Бу ўз самарасини бермоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида банк кредити ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйган тадбиркорлар томонидан 224 та иш ўрни яратилди. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда банкнинг кредит қўйилмалари миқдори 13 миллиард 328 миллион сўмга етди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3 миллиард 481 миллион сўмга кўпдир.

Ўтган йилдан бошлаб вилоятнинг энг чекка туманларида минибанклар очишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда вилоятнинг олис қишлоқларида 4 та минибанк фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг доимий мижозлари сони 1000 тага етиб қолди. Энг муҳими, ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида иш юритилаётганлиги туфайли яхши натижаларга эришилмоқда.

Ёзёвон вилоятнинг қўриқ тумани ҳисобланади. Марказий Фарғона ерларида меҳнат қилаётган фермерлар, тадбиркорларга малакали банк хизмати кўрсатиш учун шу ерда ҳам минибанк ташкил қилинган эди. Бу ердаги филиал мижозлари ҳам 150 тага етди. Аҳамиятлиси, ўз бизнесини йўлга қўйиш ниятидагилар шаҳарларга бориб, овора бўлиб юрмай минибанкка мурожаат қилишмоқда.

Ана шундай мижозлардан бири «Мангу ёдгорлик файзи» хусусий корхонасининг таъсисчилари ҳисобланишади. Корхона банк томонидан ажратилган 90 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига пахтани қайта ишлаш дастгоҳлари сотиб олди. Натижада пахта момиғи қайта ишланиб, хўжалик эҳтиёжлари учун маҳсулот тайёрланаяпти. Ҳозир корхонада 12 нафар ишчи меҳнат қилаётир. Жамоа маҳсулотни хорижга чиқариш тараддудида унинг сифатини халқаро стандартлар даражасига етказишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

Озиқ-овқат, ноозиқ-овқат товарларни ишлаб чиқариш, хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун кредитлар бериш ҳам доимо эътиборда.

Буларнинг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни равнақ топтириш, аҳоли учун зарур бўлган истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган минитехнологияларни сотиб олишга хизмат қилаяпти. Шунингдек, банк хизматларини компьютерлаштириш, янги турдаги халқаро пул жўнатмалари, интернет-банк, СМС-банк каби янги хизмат турлари жорий этилди.

Маълумки, аҳоли маблағларини банкка жалб қилиш унинг фаолиятини ривожлантиришнинг асосий мезонларидан биридир. Шуни эътиборга олиб, жозибадор омонат турлари кўпроқ жорий этилмоқда. Бунда, албатта, мижоз ишончини қозониш муҳим аҳамиятга эга.

Мухтасар айтганда, бу ишларнинг барчаси эл фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, банкимизнинг молия муассасалари ичида ўз ўрнини мустаҳкамлаб олишига хизмат қилаяпти.

**Акмалжон МЎМИНОВ,**
**«Ипотека-банк» АТИБ Фарғона вилояти филиали бошқарувчиси.**


## Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти

## 2011 ЙИЛ 7 ОКТЯБРДА

*Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ўзининг илк битирувчилари учун тантанали тақдимот маросими ўтказади.*

*Ишончимиз комилки, бу қалдирғочлар Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилиб, жамиятимиз учун фойдали инсон бўладилар.*

*Битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналарини сидқидилдан қутлаймиз!*



MDIS TashKent
Management Development Institute of Singapore

**Омадли келажакка биз билан эришинг!**

1331R/1163

**Хизматлар лицензияланган.**



## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги:

Бектемир тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2011 йил 23 майдаги 10-1107/3292-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «LMDC» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Югнакий мавзеси, Проектная Г-40 да жойлашган, умумий майдони 1124 кв.м. бўлган (маъмурий бино — блок «А» 378 кв.м.дан иборат, омборхона — блок «В» 395 кв.м.дан иборат, омборхона — блок «Г» 125 кв.м.дан иборат, ҳожатхона — блок «Д» 10 кв.м.дан иборат, шийпон — блок «Ж» 216 кв.м.дан иборат) кўчмас мулклар қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 770 805 000 сўм.**

**Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда 2011 йил 9 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Мазкур бино-иншоотлар 2011 йил 9 ноябрда сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 23 ноябрь ва 7 декабрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар (талабнома)ни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорларнинг ариза (талабнома)лари Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уйда расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефонлар: (8-371) 228-80-23, 228-84-48.**

*Лицензия: RR-0001.*

1336R/773



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ

**телерадиоэшиттириш соҳасида телерадиочастоталарни тақсимлаш ва фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибда лицензиялар бериш учун танлов эълон қилади.**

Танлов ўтказиш муддати — **2011 йил 2 декабрь**.
Танлов ўтказиш жойи: **Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биносининг мажлислар зали.**

### ТАНЛОВГА ҚЎЙИЛГАН ТЕЛЕРАДИОЧАСТОТАЛАР

| Лот | Частота | Узатгич қуввати | Тарқатиш ҳудуди |
|---|---|---|---|
| I. Теледастурларни тарқатиш | | | |
| 1 | 23-телевизион канал (частоталар полосаси 486,0-494,0 мгц) | 100 вт | Самарқанд шаҳри |
| 2* | 40-телевизион канал (частоталар полосаси 622,0-630,0 мгц) | 100 вт | Самарқанд шаҳри |
| II. Радиодастурларни тарқатиш | | | |
| 3* | 104,5 мгц (Fm диапазон) | 500 вт | Самарқанд шаҳри ва атроф туманлар |

* *РРТМ ДУКдан ижара шарти билан.*

**Буюртмалар учун аризалар қабул қилиш муддати — 2011 йил 4 октябрь.**
**Буюртмалар учун аризалар қабул қилишнинг тугаш муддати — 2011 йил 2 ноябрь.**

**Буюртма учун ариза ва ҳужжатлар Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, Ҳукумат уйи манзилида қабул қилинади. Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси ишчи гуруҳи.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 239-84-57, 239-46-13, 239-48-55.**

Пул ўтказиш учун банк ҳисоб рақамлари, танлов шартлари, буюртманомага илова қилинадиган ҳужжатлар, лицензия талаблари ва шартлари, телерадиоэшиттириш соҳасида телерадиочастоталардан фойдаланишга танловда иштирок этиш учун буюртма шакли билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги **(www.aci.uz)**, Давлат алоқа инспекцияси **(www.gis.uz)** веб-сайтларида танишиш мумкин.

1330R/1172



## «Potolok-stroy-servis» ХК

**Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари**
**600 х 600 мм, 610 х 610 мм.**
Ассортимент — 22 турда.

36R/1238

**Тел.: 325-37-77, 370-90-95.**



## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



**ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР**

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20х20, 25х25, 30х30, 40х40, 50х50, 60х60, 80х80, 100х100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30х20, 40х25, 50х25, 30х60, 40х60, 40х80, 50х100, 60х80, 60х100, 80х120.**
**Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.**

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

**МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.**

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

1012R/227



## «ИПОТЕКА-БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

IPOTEKA BANK

**бино ва иншоотларни сотиш бўйича танлов эълон қилади.**





**Бино ва иншоот:** умумий майдони — 5702 $м^2$, 4 қаватли маъмурий бино, 2 қаватли омборхона, гараж, шийпон ва қоровулхонадан иборат.

**Жойлашган манзили:** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғибўстон кўчаси, 248-уй.

**Бошланғич баҳоси** — 2 965 000 000,0 сўм.

***Танловга аризалар 2011 йил 14 октябрь соат 16.00 гача қабул қилинади.***

Бино ва иншоотларни сотиб олиш бўйича харидорларнинг таклифлари муҳрланган конвертларда тақдим этилиши лозим.

**Изоҳ:** танловда иштирок этувчи харидорларга ўз маблағлари ҳисобидан олдиндан камида 15 фоиз бошланғич бадал тўлаш шарти билан, 5 йилгача ойма-ой бўлиб тўлаш ва 6 ойлик имтиёзли давр асосида сотиб олиш имкониятлари мавжуд.

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 150-70-78, 150-23-24.**

1284R/1123



"ГАЗ" русумли автомобиллар ва махсус техникалар

Тел.: 235 93 53
111 35 24, 102 96 00
E-mail: transneft66@mail.ru
web: gazel-tnk.uz

**Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км**

TNK Transneftkomplekt

ООО "Коммерческие автомобили - Группа ГАЗ" расмий дилери "Transneftkomplekt" ташкилоти



Улгуржи харидларга ЧЕГИРМАЛАР!
Буюртма асосида

1259Н/833



**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Ш. Б. Деҳқоновга падари бузруквори **БЕКМИРЗА отанинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.




САНОАТ МОЙИ И-20А 2075,9 ▲ +69,8




МОТОР МОЙИ М14 В2 1448,1 ▲ +29,7




БЕНЗИН АИ-80 2063,4 ▼ -16,7




ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ 2590,4 ▲ +108,9

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

FIFA WORLD CUP Brasil ASIAN QUALIFIERS

***Футбол бўйича 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмаси учун ўтказилаётган Осиё қитъаси саралаш мусобақаси учинчи босқичининг навбатдаги турида Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафарда Корея Халқ Демократик Республикаси вакилларига қарши баҳс олиб боради.***

# ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ТАЙЁРГАРЛИККА КИРИШДИ

11 октябрь кунига мўлжалланган муҳим учрашув олдидан ташкил этиладиган ўқув-машғулот йиғинларига терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов 25 нафар футболчини таклиф қилди. Рўйхатдан Қатарнинг “Қатар СК” клуби ярим ҳимоячиси Жасур Ҳасанов, Хитойнинг “Жиангсу Сейнти” жамоасида тўп сураётган Камолиддин Тожиев ҳамда Тошкентнинг “Локомотив” клуби дарвозабони Павел Бугало ҳам ўрин олган. Бу футболчиларнинг номларини алоҳида келтириб ўтганимизнинг боиси бор, албатта. Биласиз, улар авваллари ҳам бир неча бор терма жамоа сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилишган. Бироқ сўнгги вақтларда ўйинларга таклиф этилмай келишаётганди. Масалан, Жасур Ҳасанов охирги марта жорий йилнинг 28 январида Жанубий Кореяга қарши кечган беллашувда, Камолиддин Тожиев 2010 йилнинг кузида Баҳрайн билан бўлган ўртоқлик учрашувида, Павел Бугало эса 2007 йилнинг ноябрь ойида Эстонияга қарши ўтказилган ўртоқлик ўйинида терма жамоа либосини кийган.

Ўқув-машғулот йиғинлари бугун Тошкентда бошланади. 6 октябрда миллий терма жамоамиз “Жар” стадионида “Бунёдкор” клуби билан назорат учрашувини ўтказади.

Демак, пойтахтимизда ташкил этиладиган тайёргарлик йиғини ҳамда КХДР билан бўладиган баҳсга жалб этилган футболчилар рўйхати қуйидагича:

**Дарвозабонлар:** Игнатий Нестеров (“Бунёдкор”, Тошкент), Тимур Жўраев (“Пахтакор”, Тошкент), Муроджон Зуҳуров (“Насаф”, Қарши), Павел Бугало (“Локомотив”, Тошкент);

**Ҳимоячилар:** Шавкат Муллажонов (“Ал-Аҳли”, Қатар), Виктор Карпенко (“Бунёдкор”, Тошкент), Ислом Тўхтахўжаев (“Нефтчи”, Фарғона), Анзур Исмоилов (“Чанчунь Ятай”, Хитой), Саҳоб Жўраев (“Бунёдкор”, Тошкент), Камолиддин Тожиев (“Жиангсу Сейнти”, Хитой), Виталий Денисов (“Днепр”, Украина);

**Ярим ҳимоячилар:** Сервер Жепаров (“Ал-Шабоб”, Саудия Арабистони), Одил Аҳмедов (“Анжи”, Россия), Санжар Турсунов (“Волга”, Россия), Темур Кападзе (“Инчон”, Жанубий Корея), Азиз Ҳайдаров (“Аш-Шабоб”, БАА), Вагиз Галиулин (“Сибирь”, Россия), Лутфулла Тўраев (“Насаф”, Қарши), Жасур Ҳасанов (“Қатар СК”, Қатар), Станислав Андреев (“Пахтакор”, Тошкент);

**Ҳужумчилар:** Александр Гейнрих (“Сувон”, Жанубий Корея), Улуғбек Бақоев (“Жетису”, Қозоғистон), Марат Бикмаев (“Алания”, Россия), Баҳодир Насимов (“Нефтчи”, Озарбойжон), Александр Шадрин (“Навбаҳор”, Наманган).

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# Куала-Лумпурда янграган олқишлар

***Куала-Лумпур шаҳрида енгил атлетика бўйича Малайзия очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 6 та олтин, 2 та кумуш ва битта бронза медали ҳамда 2012 йилда Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи муҳим рейтинг очколарини қўлга киритдилар.***



Жумладан, сўнгги йилларда Осиё ва жаҳон миқёсида ўтказиб келинаётган нуфузли мусобақаларда мунтазам совриндорлар сафидан жой олаётган Гўзал Хуббиева 100 метрга югуриш баҳсларида бу сафар ҳам барча рақибларидан устун эканлигини исботлади. Маррага 11,94 сонияда етиб келган спортчимиз мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди.

Уч ҳатлаб сакраш бўйича эркаклар ўртасида кечган беллашувларда ҳамюртимиз Руслан Қурбоновга, хотин-қизлар ўртасида эса ватандошимиз Анастасия Журавлевага тенг келадигани топилмади. Ўтган йил Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинлари ғолиби Юлия Тарасова ҳам айни пайтда қитъанинг энг кучли енгил атлетикачиларидан бири эканлигини яна бир бор намоён этди. Узунликка сакраш баҳсларида иқтидорли спортчимиз барча рақибаларини ортда қолдириб, олтин медалга эгалик қилди. Мусобақа дастуридан ўрин олган 400 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсларида эса Наталья Асанова маррага ҳаммадан олдин етиб келди. Айни чоғда босқон улоқтириш беллашувларида иштирок этган Суҳроб Хўжаев ҳам турнирга жиддий ҳозирлик кўрганини намойиш қилиб, ғолибликни қўлга киритди.

Иқтидорли спортчимиз Леонид Андреев мусобақанинг узунликка сакраш баҳсларида, Валерия Канатова уч ҳатлаб сакрашда кумуш, Александра Котлярова эса бронза медали билан тақдирланди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

Яхши хабар

***Ғиждувон туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабида таълим йўналишлари сони тўққизтага кўпайди.***

# Иқтидорли ёшлар маскани

Ҳозир бу ерда ёшлар ёғоч ўймакорлиги, кандакорлик, кулоллик, зардўзлик, хореография, театр санъати каби йўналишларда сабоқ олишмоқда.

Яқинда мактаб жамоаси яна бир замонавий қулайликдан баҳраманд бўлди. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 840 миллион сўмга тенг, 150 ўринга мўлжалланган янги ўқув биноси қуриб битказилди. Эндиликда 16 та йўналиш бўйича санъат ва мусиқа сирларини ўрганаётган ўғил-қизлар шинам ҳамда ёруғ синфхоналарда, илғор ўқув воситалари ёрдамида таҳсилни давом эттиришмоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**


ASAKA BANK

2011 йилнинг 30 сентябрида

**Moody’s Investors Ltd.**
халқаро
рейтинг агентлиги

**«Асака»**
Давлат-акциядорлик
тижорат банкининг

рейтингини тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи
**«БАРҚАРОР».**

1333R/10



*Ҳурматли юртдошлар!*

ASAKA BANK **ДАТ «АСАКА» банки (ОАЖ)**

***сизларга қуйидаги янги, муддатли миллий валютадаги омонат турини таклиф этади.***

**«Мураббий - 2011»**

**Сақланиш муддати — 9 ой.**
**Ҳисобланган фоизлар олдиндан (аванс)**
**ёки омонат муддати ёпилган (9 ой)дан сўнг берилади.**

**Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 226-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 221-77-56 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 770-60-59 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**ДАТ «АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

***ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.***

1334R/10





КЎМИР (БПК) 37,9 ▲ +0,7




ШИФЕР (1 лист) 16136,0 ▼ -185,0




ПАХТА ЁҒИ 1932,4 ▲ +0,2


**Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.**

**БАРЧА ТОВАРЛАР ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА КОТИРОВКАЛАР WWW.UZEX.COM САЙТИДА**


Нархларнинг белгилари: ▲ + кўтарилган, ▼ - пасайган, сўм/кг

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун хафта давомидаги ўртача нархлар UZEX.COM ЎзРТХБ сайтида


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 49557 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788



ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.



• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.



Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5